



## Иқтисодий жиноятнинг асосий белгилари

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
"Бакалаврият факультети" прокурори:  
**Саттаров Жасурбек Авазбекович**

Иқтисодий жиноятнинг асосий белгилари юзасидан ҳам олимлар ўртасида баҳс-мунозаралар мавжуд. Хусусан, И.И.Рогов иқтисодий жиноятнинг асосий белгиларини ажратиб кўрсатган бўлиб, уларга: криминологик бир хиллик; жиноятнинг иқтисодий-хўжалик механизми билан боғлиқлик; махсус субъект – бу жиноят содир этилган иқтисодий муносабатлар тизимида киритилган молия-хўжалик функцияларини бевосита бажарувчи шахсни ва улар орасида тажовуз объектнинг умумийлигини киритган. Олимнинг фикрича, иқтисодий тизим ҳам асосий, ҳам кўшимча (ихтиёрий) объект сифатида ҳаракат қилади<sup>13</sup>. Бироқ бундай ёндашув иқтисодий жиноятларнинг ҳаддан ташқари кенг талқин қилинишига олиб келади. М.В.Талан ҳам худди шу фикрга қўшилади. Таланнинг фикрича, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлардан ташқари жамоат саломатлиги ва ахлоқига қарши жиноятлар ҳам ушбу жиноятлар таркибига киради, негаки, “бу муносабатларга алоқадор субъектлар у ёки бу даражада бозор муносабатларига зарар этказиш қобилиятига эга”<sup>14</sup>.

М.Рустамбаевнинг таъкидлашича, иқтисодий жиноятлар – миллий иқтисодиётга, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган ва жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир<sup>15</sup>.

Агар биз иқтисодий жиноятларнинг номидан келиб чиқадиган бўлсак, иқтисодий жиноятлар иқтисодиёт соҳасида содир этилган ҳаракатлардир. Иқтисодиёт

<sup>13</sup> Рогов И.И. Проблемы борьбы с экономической преступностью (уголовно-правовое и криминологическое исследование). Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Алма-Ата, 1991. С. 12-13.

<sup>14</sup> Талан М.В. Система преступлений в сфере экономической деятельности // Налоговые и иные экономические преступления. Вып. 3 / Отв. ред. Л.Л. Кругликов. Ярославль, 2001. С. 27.

<sup>15</sup> Мирзаюсуф Рустамбоев. Иқтисодий жиноятлар. URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/iqtisodiy-jinoyatlar-uz/>



(юнонча “оусонимике”дан) – уй хўжалиги санъати. Ўқув адабиётларида бу атама “хўжалик” сўзининг синоними сифатида қўлланилади<sup>16</sup>, ва узоқ вақт давомида Ўзбекистон жиноят қонунчилигида боблардан бири “Хўжалик соҳасидаги жиноятлар” деб номлангани бежиз эмас (ЎзССРнинг 1927 йилги Жиноят кодекси V боби, 1959 йилги Жиноят кодексининг VIII боби).

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўйича учинчи бўлими ўз ичига 5 та боб ва 47 та моддани камраб олган бўлиб, асосан иқтисодиёт асосларига қарши, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, хўжалик фаолияти соҳасида ва мулкни талон-тарож қилиш, шу жумладан бюджет, солиқ, божхона ва валюта соҳасидаги жиноятлардан ташкил топган.

Бугунги кунда айрим муаллифлар иқтисодий жиноятлар фақат шулардан иборат деб фикр юритадилар<sup>17</sup>. Биз уларнинг фикрларини ҳурмат қилган ҳолда мазкур бобнинг 2-параграфида буни муҳокама қилишни мақсад қилганмиз. Бироқ қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб биламиз. Ҳавола келтирилган мақолалардан бирида “иқтисодий жиноят” ва “иқтисодий соҳадаги жиноят” умуман бир хил тушунчалар эмаслиги таъкидланади. Иккинчи санаб ўтилгани кенгроқдир, чунки у иқтисодиётда содир бўладиган барча жиноятларни, шу жумладан, анъанавий мулк (ўғирлик, талончилик ва бошқалар) билан боғлиқ жиноятларни ўз ичига олади<sup>18</sup>. Олим Бу Свенссон ҳам бу фикрга қўшилиб, ўз фикрига асос сифатида Швециянинг расмий давлат органлари, биринчи навбатда полиция ва прокуратура нуқтаи назарини келтириб ўтади: агар жиноятлар иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлмаса, анъанавий хусусиятдаги мулк жиноятларни ўз ичига олмайди; унинг фикрича, иқтисодий жиноятлар иқтисодий фойда олишнинг бевосита мотивидан ташқари доимий характерга эга ва тизимли равишда амалга оширилади<sup>19</sup>. Ҳукумат комиссияси

<sup>16</sup> Ефимова Е.Г. Экономика: Учеб. пособие для направления «Юриспруденция». М., 1977. С. 7; Толстошеев В.В. Региональное экономическое право России. М., 1999. С. 25.

<sup>17</sup> Волженкин Б.В. Экономические преступления. СПб, 1999; Корчагин А.Г., Иванов А.М., Шербаков А.В. Экономические преступления (политико-правовые аспекты). Владивосток, 1999 и др.

<sup>18</sup> Корчагин А.Г. и др. Указ. соч. С. 34.

<sup>19</sup> См.: Свенссон Б. Указ. соч. С. 25. Следует заметить, однако, что автор подчас отступает от этого определения, относя к категории данных посягательств, например,



хам худди шундай нуқтаи назарга эга бўлиб, унинг директивасига кўра, иқтисодий деб тавсифланиши учун жинойт “узлуксиз хусусиятга эга бўлиши, тизимли равишда ва иқтисодий фаолият доирасида амалга оширилиши керак. Яъни бунда жинойт ўз-ўзидан жинойий жазога сазовор бўлиб қолмайди, фақат айрим ҳоллардагина жинойий хатти-ҳаракатларнинг асосини ташкил қилади<sup>20</sup>.

Э.Э.Дементиеванинг таъкидича, иқтисодий жинойтлар доимий тизимли ривожланишга ва ёлланма характерга эга бўлиб, қонуний иқтисодий фаолият доирасида ва унинг остида касбий функцияларни бажариш жараёнида содир этилади<sup>21</sup>. Ҳуқуқни бундай шарҳлашда иқтисодий жинойтлар тор доирада тушунилади, бунда фақатгина ЖК XII (Иқтисодиёт асосларига қарши жинойтлар) ва XIII бобида (Хўжалик фаолияти соҳасидаги жинойтлар) назарда тутилган жинойтлар билан чекланиш талаб қилинади.

Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатда қонун чиқарувчи ушбу масала бўйича қандай қарор қабул қилганлигидан келиб чиқиш керак. Қонун чиқарувчи Жинойт кодексининг III бўлимида назарда тутилган иқтисодиёт соҳасидаги жинойтлар сирасига нафақат иқтисодий фаолият соҳасида содир этилган ҳаракатлар (XII-XIII-боблар), балки мулкка қарши (X-XI-боблар) ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жинойтлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жинойтларни ҳам киритган.

Кўп ҳолларда иқтисодий жинойтлар тушунчаси мулкка қарши жинойтларга нисбатан кўлланилади. Негаки жинойт иқтисодиёт соҳасида бўладими ёки ўзгалар мулкани талон-тарож қилишга қаратилганми, ҳар икки ҳолатда мулккий муносабатларга зарар етказиши ва мулкка қарши жинойтлар бир вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларнинг меъёрий ҳолатини бузади, бу эса “мулкка қарши жинойтлар ва иқтисодий жинойтлар деб аталадиган жинойтлар ўртасида аниқ, ягона

---

мошенничество – преступление имущественное (там же), а также уклонение отдельных лиц от налогообложения, которое далеко не всегда носит систематический характер (с. 8 и др.).

<sup>20</sup> Свенссон Б. Указ. соч. С. 149.

<sup>21</sup> См.: Дементьева Е.Е. Проблемы борьбы с экономической преступностью в зарубежных странах. Дис. ... канд. юрид. наук. М., 1996. С. 30.



фарқлашнинг амалда имконсизлиги бўйича қийинчиликлар мавжуд деган хулосага келишга имкон беради”<sup>22</sup>.

Албатта, Жиноят кодексининг XII-XIII ва X-XI-бобларида назарда тутилган хатти-ҳаракатларини фарқлашда маълум қийинчиликлар мавжуд. Аммо улар илгари ҳам мавжуд бўлган: бу, хусусан, мулкӣ ва иқтисодий жиноятлар тўғрисидаги олдинги кодексларда ташқи изоляция қилинганига қарамай, айрим турдаги қилмишларнинг бир бобдан бошқасига “кўчиб ўтганлиги” исботидир.

Туркистон АССР РСФСР таркибига кирган йилларда амалда бўлган ва 1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодексининг 6-бўлимида мулкӣ жиноятлар орасида очик ўғирланган товарларни сотиб олиш (181-модда) ва бировнинг товар белгиси, завод ёки хунармандчилик белгисидан ноҳақ рақобат қилиш мақсадида рухсатсиз фойдаланиш (199-модда), 4-бўлимда эса хўжалик соҳасидаги жиноятлар орасида, савдо, давлат монополияси ва инсофсиз рақобат қоидаларини бузиш элементлари билан бир қаторда ижарачи томонидан шартнома бўйича ўзига берилган мулкни исроф қилиш (129-модда) бўлган.

1927 йилги ЎзССР Жиноят кодексининг 7-бўлимида юқорида қайд этилганлар мулкӣ жиноятлар билан бир қаторда қалбаки таҳлил белгисини сотиш ва сотиш мақсадида ишлаб чиқариш, сақлаш, шунингдек маҳсулот ва қуймаларни маркалаш (172-модда), хўжалик жиноятлари бўйича 5-бўлимда эса юқорида айтиб ўтилган “исрофгарчилик” (130-модда) ҳамда давлат ва жамоат мулкни ўғирлаш (шу жумладан, фойда келтирмайдиган битимлар тузиш орқали) (129<sup>1</sup>-модда) таркиби ҳам бор эди.

1959 йилги Жиноят кодексидан жиноят таркибларининг жойлашуви янада соддалаштирилган, мазмунли кўринади – ўзлаштириш, исроф қилиш мулкка қарши жиноятлар қаторида аллақачон тилга олинган бўлса, бошқа кўрсатилган таркиблар, аксинча, иқтисодий жиноятлар бобидан ўрин олган. Бироқ қишлоқ хўжалиги техникасидан жинойӣ эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ёки сақлаш объекти сифатида мулк белгиланган (99<sup>1</sup>-модда), гарчи айрим юридик адабиётларда таъкидланганидек, бу қилмиш одатий иқтисодий жиноятга ўхшаб кетади.

<sup>22</sup> Корчагин А.Г. и др. Указ соч. С. 118.



1959 йилги Жиноят кодексда асосан иқтисодий жиноятлар ва экология соҳасидаги тажовузлар назарда тутилган ва улар турли иқтисодий жиноятлар сифатида тан олинган. Юридик адабиётларда табиатга қарши жиноятларнинг объекти мулкий муносабатлар ёки табиий ресурслардан иқтисодий фойдаланиш муносабатлари бўлган қарашлар ҳам мавжуд эди<sup>23</sup>. Табиий муҳит, бу қарашларга мувофиқ, ер юзидаги барча тирик мавжудотлар – инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яшаш жойи сифатида эмас, балки ривожланиш, эксплуатация қилинадиган ўзига хос “омборхона”, “чордоқ” сифатида кўриб чиқилди<sup>24</sup>. Ва бу қарашларнинг нақадар нотўғри эканлигини вақт ҳам, табиат ҳам инсонга кўрсатиб қўйди ва қўйиб келмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий жиноят тушунчасига қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: **иқтисодий жиноят** – бу иқтисодий соҳада – қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тарқатиш ёки истеъмол қилиш ёхуд Жиноят кодексининг III бўлимига мувофиқ жиноят деб топиладиган бошқа муносабатларга зарар етказиш ёки ҳақиқатда зарар етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, иқтисодиётга алоқадор жиноятлар соҳаси мазкур бўлимдаги жиноятлар сони билан чекланмайди. Жиноят кодексининг шахсга қарши, бошқарув тартибига қарши жиноятларга бағишланган бўлим ва бобларида ҳам иқтисодиётга боғлиқ, моддий фойда кўришга қаратилган жиноятлар мавжуд. Бундан олиннадиган хулоса шуки, жиноят объекти тўлиғича иқтисодий муносабатларга боғлиқ бўлган жиноятларгина мазкур бўлимдан жой олган.

Бизнингча, юқоридаги таърифнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йилнинг 17 апрелидаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” 11-сон қарорига киритиш иқтисодий жиноятларни бошқа жиноятлардан фарқлашда ва ягона суд-тергов амалиётининг шаклланишига хизмат қилмасдан қолмайди.

<sup>23</sup> См., например: Уголовное право. Часть Особенная / Под ред. М.И. Ковалева, М.А. Ефимова и Е.А. Фролова. М., 1969. С. 94.

<sup>24</sup> См. об этом: Жевлаков Э.Н. Экологические преступления // Уголовное право России. Часть Особенная: Учебник для вузов / Отв. ред. Л.Л. Кругликов. М., 1999. С. 514 и далее.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рогов И.И. Проблемы борьбы с экономической преступностью (уголовно-правовое и криминологическое исследование). Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Алма-Ата, 1991. С. 12–13.
2. Талан М.В. Система преступлений в сфере экономической деятельности // Налоговые и иные экономические преступления. Вып. 3 / Отв. ред. Л.Л. Кругликов. Ярославль, 2001. С. 27.
3. Мирзаюсуф Рустамбоев. Иқтисодий жиноятлар. URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/iqtisodiy-jinoyatlar-uz/>
4. Ефимова Е.Г. Экономика: Учеб. пособие для направления «Юриспруденция». М., 1977. С. 7; Толстошеев В.В. Региональное экономическое право России. М., 1999. С. 25.
5. Волженкин Б.В. Экономические преступления. СПб, 1999; Корчагин А.Г., Иванов А.М., Щербаков А.В. Экономические преступления (политико-правовые аспекты). Владивосток, 1999 и др.
6. Корчагин А.Г. и др. Указ. соч. С. 34.
7. См.: Свенссон Б. Указ. соч. С. 25. Следует заметить, однако, что автор подчас отступает от этого определения, относя к категории данных посягательств, например, мошенничество – преступление имущественное (там же), а также уклонение отдельных лиц от налогообложения, которое далеко не всегда
8. носит систематический характер (с. 8 и др.).
9. Свенссон Б. Указ. соч. С. 149.
10. См.: Дементьева Е.Е. Проблемы борьбы с экономической преступностью в зарубежных странах. Дис. ... канд. юрид. наук. М., 1996. С. 30.
11. Корчагин А.Г. и др. Указ соч. С. 118.
12. См., например: Уголовное право. Часть Особенная / Под ред. М.И. Ковалева, М.А. Ефимова и Е.А. Фролова. М., 1969. С. 94.
13. См. об этом: Жевлаков Э.Н. Экологические преступления // Уголовное право России. Часть Особенная: Учебник для вузов / Отв. ред. Л.Л. Кругликов. М., 1999. С. 514 и далее.